



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2025 yil « 14 » октябрь

№ ПК–302

**Қўйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини
янада такомиллаштириш ҳамда соҳанинг хусусий сектор
учун жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Сувдан оқилона фойдаланиш ва сув ресурсларини самарали бошқариш, сув мониторинги, ҳисоби ва ҳисоботини юритишни таъминлаш, шунингдек, ушбу жараёнларга хусусий секторни кенг жалб қилиш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қўйидагилар мазкур қарорни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсадли кўрсаткичлар этиб белгилансин:

(а) 160 та “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаларининг молиявий мустақиллигини ошириш, уларда штатларни эгилувчан бошқариш тизимини жорий қилиш ҳамда моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

(б) Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларидаги насос станцияларининг 50 фоизини 2026 йилда давлат-хусусий шериклик асосида бошқарувга бериш;

(в) сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик асосида бошқарувга бериш бўйича Наманган вилоятининг намунали тажрибасини инобатга олган ҳолда 2027 йил якунига қадар вилоятдаги 100 фоиз насос станциялари давлат-хусусий шериклик асосида бошқарувга берилишини таъминлаш;

(г) “Сувчилар мактаби” лойиҳаси доирасида 141 та туманда камида 3,5 минг гектар ер майдонида ўқув дала-шийпонларини ташкил этиш;

(д) сув ресурсларини бошқариш ва уларнинг ҳисобини шаффоф юритиш бўйича Дўстлик туманида амалга ошириладиган **тажриба-синов лойиҳаси** доирасида:

- (i) **437 та** фермер хўжалиги томонидан фойдаланилган сув ҳажми ва **сув истеъмолини шаффоф кузатиб бориш**, ажратилган сув ресурсларини белгиланган лимитлар доирасида етказиб бериш;
- (ii) **1 804 та** “ақлли” сув ҳисоблагич ускуналарини ўрнатиш ҳамда йилига **107 миллион** куб метргача ёки **33 фоиз** сув ресурсларини иқтисод қилиш;
- (iii) суғориш тармоқларининг **159 км** қисмини бетонлаштириш ва **541 км** қисмини техник соз ҳолатга келтириш.

II. Қўйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш

2. Қўйидагилар “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасалари (кейинги ўринларда – Сув етказиб бериш хизматлари) фаолиятини янада такомиллаштиришнинг **устувор йўналишлари этиб белгилансин**:

- (а) эҳтиёж ва молиявий имкониятларни инобатга олган ҳолда **штатларни эгилувчан бошқариш** тизимини жорий қилиш;
- (б) сув ресурсларидан оқилона фойдаланишидан келиб чиқиб, Сув етказиб бериш хизматлари ходимлари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (**KPI**)ни белгилаш ва улар асосида **рағбатлантириш тизимини** йўлга қўйиш;
- (в) Сув етказиб бериш хизматларининг **молиявий мустақиллигини ошириш** ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.

3. Сув етказиб бериш хизматлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида, уларга қўйидаги **қўшимча ваколатлар берилсин**:

- (а) молиявий ҳолатдан келиб чиқиб ҳамда мавсумга қараб **мустақил равишда штат бирликлари сонини белгилаш**;
- (б) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан Давлат бюджетига тушган тушумнинг **40 фоизи** миқдоридаги маблағлар ҳисобидан моддий-техник базани мустаҳкамлаш, **шу жумладан, қўйидагиларни молиялаштириш учун маблағларни мустақил йўналтириш**:
 - (i) суғориш тармоқларини бетонлаштириш материаллари (цемент, қум-шағал, тайёр бетон ва инерт материаллари)ни харид қилиш ҳамда бетонлаштириш ишларига жалб қилинган ходимларни рағбатлантириш;

- (ii) махсус техника (бетон аралаштиргич, юк кўтаргич, юк автомобили, экскаватор ва бошқалар) харид қилиш;
- (iii) зарур бўлган ускуна ва жиҳозлар (махсус кийим-бош, скутер, велосипед, сув ўлчаш ускуналари, планшет ва бошқалар) харид қилиш.

4. Сув хўжалиги вазирлиги **икки ой муддатда:**

(а) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан биргаликда Сув етказиб бериш хизматлари томонидан **мустақил равишда штат бирликлар сонини белгилаш** тартибини тасдиқласин ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин;

(б) Сув етказиб бериш хизматлари **раҳбар ходимлари фаолиятининг** энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (**KPI**) **асосида баҳолаш** тартиби бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда қўйи бўғин ходимларининг **сув ресурсларидан оқилона фойдаланишдан манфаатдорлигини ошириш** мақсадида **2026 йил 1 январдан** бошлаб туман учун олинган сув ҳажми ҳамда якуний истеъмолчиларга етказилган сув ҳажми орасидаги фарққа (сув йўқотишларига) **мутаносиб равишда ходимларнинг лавозим маошига ойлик устама белгилаш** назарда тутилсин.

III. Сув ресурсларини бошқаришда хусусий сектор иштирокини кенгайтириш

5. Наманган вилояти ҳокимлиги ва Сув хўжалиги вазирлигининг насос станциялари ва уларга бириктирилган майдонларда жойлашган суғориш тармоқларини **“бир насос – бир тизим”** тамойили бўйича давлат-хусусий шериклик асосида бошқарувга бериш, яъни сувдан фойдаланувчиларга сувни бевосита хусусий шерик томонидан етказиб бериш тизимини (**Чортоқ тажрибаси**) йўлга қўйиш бўйича таклифи маъқуллансин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **Чортоқ тажрибаси** доирасида:

(а) насос станциялари ва суғориш тармоқлари агар уларга **суғориш учун бириктирилган майдонларда** бир нечта сув истеъмолчилари мавжуд бўлса, улар орасидан келишилган ҳолда битта талабгорга истисно тариқасида **давлат-хусусий шериклик асосида бошқарувга тўғридан-тўғри берилади;**

- (б) насос станциялари ва суғориш тармоқлари агар уларга **суғориш учун бириктирилган майдонларда** битта сув истеъмолчиси мавжуд бўлса, унга истисно тариқасида **давлат-хусусий шериклик асосида бошқарувга тўғридан-тўғри** берилади;
- (в) давлат-хусусий шериклик асосида бошқарувга олинган суғориш тармоқларига ўрнатилган ва солиқ органларининг маълумотлар базаси билан интеграция қилинган **сувни реал вақт режимида ўлчаш қурилмалари орқали ҳисобланган** сув солиғи тушумининг **40 фоизи** Сув етказиб бериш хизматлари томонидан хусусий шерикка тўлаб берилади;
- (г) сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик асосида бошқарувга олган **хусусий шерик зиммасига**, шу жумладан, қўйидаги **мажбуриятлар** юкланади:
- (i) сув истеъмолчилари ва аҳоли томорқаларини белгиланган тартибда **сув олиш лимити доирасида сув билан таъминлаш**;
 - (ii) мавжуд барча **сув хўжалиги объектларини** давлат шериги билан келишилган ҳолда **бошқариш**;
 - (iii) сув ҳисоби ва ҳисоботининг, шу жумладан, **автоматлаштирилган тизимлар орқали** тўлиқ юритилишини таъминлаш;
 - (iv) хизмат кўрсатиш ҳудудидаги барча сув хўжалиги объектларини босқичма-босқич **модернизация қилиш**.
7. Сув хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда сув омборлари ва йирик каналларни тўйинтирувчи насослардан ташқари:
- (а) **2026 йилда Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд ва Сирдарё** вилоятларида насос станцияларининг **50 фоизи**;
 - (б) **2027 йил якунига қадар** Наманган вилоятида **100 фоиз** насос станциялари давлат-хусусий шериклик асосида бошқарувга берилишини таъминласин.
8. Сув хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети, “Агробанк” АТБ билан биргаликда **2025 йил 1 ноябрдан** бошлаб сув хўжалиги соҳаси, деҳқон

ва фермер хўжаликлари вакилларига **Чортоқ тажрибаси** асосида насос станциялари ва суғориш тармоқларини давлат-хусусий шериклик асосида бошқарувга беришнинг мазмун ва моҳияти, афзалликлари ҳамда тартиб ва шартларини тушунтириш бўйича алоҳида режа-график асосида **семинар-тренинглар ташкил қилиб борсин.**

9. “Агробанк” АТБга **2025–2026 йилларда** “Сувчилар мактаби” лойиҳаси доирасида ҳар бир туманда биттадан фермер хўжалигининг пахта ва ғалла майдонларида замонавий сув тежовчи технологияларни жорий қилиш ҳамда **ўқув дала-шийпонларини** ташкил этиш бўйича намунавий лойиҳаларни амалга ошириш тавсия этилсин.

10. Сув хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари ҳамда “Агробанк” АТБ билан биргаликда **бир ой муддатда ўқув дала-шийпонларида** семинар-тренинглар ташкил этиш бўйича режа-графикни тасдиқласин.

Бунда **туман ҳокимлари** семинар-тренингларда деҳқон ва фермер хўжаликлари вакилларининг иштирокини таъминлашга масъул ҳисобланади.

11. Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Агробанк” АТБ, Ўзбекистон фермерлари кенгаши ҳамда Жиззах вилояти ҳокимлигининг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида Дўстлик туманида **2026 йил 1 январдан** бошлаб илғор хорижий тажриба асосида **Сув ресурсларини бошқаришни автоматлаштириш ва ҳисобини юритиш бўйича тажриба-синов лойиҳаси** (кейинги ўринларда –Тажриба-синов лойиҳаси)ни амалга ошириш бўйича таклифи маъқуллансин.

12. Қуйидагилар:

(а) Тажриба-синов лойиҳасининг **техник-иқтисодий асослари** ишлаб чиқилгани ва давлат экспертизасидан ўтказилгани;

(б) Тажриба-синов лойиҳаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар **кооперативи** (кейинги ўринларда – Кооператив)ни **ташкил қилган ҳолда давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилиши**, бунда Кооперативнинг Тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларини молиялаштириш мақсадида “Агробанк” АТБ томонидан имтиёзли кредит ажратилиши маълумот учун қабул қилинсин.

13. Адлия вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермерлари кенгаши ва Жиззах вилояти ҳокимлиги Дўстлик туманида **Кооператив ташкил этилишига кўмаклашсин.**
14. Белгилансинки, Кооператив ташкил этилгандан сўнг янги ҳисобот йилидан бошлаб **“Дўстлик тумани сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасасининг вазифа ва функциялари Кооперативга ўтказилади.**
15. Сув хўжалиги вазирлиги **икки ой муддатда** Тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш юзасидан Кооператив билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш асосида қўйидагиларни назарда тутувчи **давлат-хусусий шериклик битими тузилишини таъминласин:**
- (а) ирригация тизими ва фермерлараро суғориш тармоқларидаги сув тақсимлаш ва сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобини юритишнинг **муқобил энергия манбалари асосида ишлайдиган** автоматлашган замонавий қурилмалар билан жиҳозлаш;
 - (б) Кооператив томонидан **камида 21 миллион АҚШ доллари** миқдорида инвестиция киритиш;
 - (в) ажратилган сув ресурсларини белгиланган сув олиш лимитлари **доирасида ҳар бир истеъмолчига етказиб бериш** ҳамда ирригация тизими ва фермерлараро суғориш тармоқларини **техник соз ҳолда сақлаш;**
 - (г) ҳар бир истеъмолчи томонидан фойдаланилган сув ҳажми тўғрисидаги тегишли маълумотларни **сув хўжалиги ҳамда солиқ органларига тақдим қилиб бориш;**
 - (д) реал вақт режимида сув истеъмолини **шаффоф кузатиш** имконини берувчи **“Вазиятлар маркази”** ахборот тизимини яратиш ҳамда Сув хўжалиги вазирлигининг маълумотлар базасига интеграция қилиш;
 - (ж) сув истеъмолчиларига сувни етказиб бериш хизматлари бўйича **тўлов миқдорини Кооператив аъзоларининг умумий йиғилиш қарорига мувофиқ белгилаш** ва бошқа сув хўжалиги хизматларини кўрсатиш.
16. Қўйидагилар **Кооперативни молиялаштириш** манбалари ҳисобланади:
- (а) сув истеъмолчиларига кўрсатилган сув хўжалиги хизматлари учун тўловлардан тушадиган маблағлар;
 - (б) 2026–2027 йилларда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг **“Дўстлик тумани сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасасига тушиши белгиланган қисми;**

(в) Кооператив ва сув истеъмолчилари ўртасида сув етказиб бериш бўйича тузилган шартномалар шартларини бузганлик учун ундириладиган жарималарнинг Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармасига йўналтириладиган қисмининг **40 фоизи**;

(г) халқаро молия институтларининг грантлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан тушадиган маблағлар.

17. Сув хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик асосида бошқарувга бериш регламенти ҳамда тегишли ҳужжатлар (концепция, лойиҳани баҳолаш ҳужжати, молиявий модель, битим) намуналарини тасдиқласин ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин.

IV. Молиявий ресурслар ва имтиёзлар

18. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:

(а) Сув етказиб бериш хизматларига маҳаллий бюджетдан ажратиладиган маблағлар миқдори ҳудудлар кесимида ҳар йили меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига мутаносиб равишда **индексация қилиб борилишини таъминласин**;

(б) **бир ой муддатда** Сув етказиб бериш хизматларига 2025 йил учун маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағларни индексацияни ҳисобга олган ҳолда белгиланган тартибда қайта ҳисоблаб, **ажратилмасдан қолган қисми ажратилишини таъминласин**.

19. ХДФУ.

20. ХДФУ.

21. ХДФУ.

V. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

22. Сув хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда **2026 йил якунига қадар** Тажриба-синов лойиҳасини республиканинг бошқа ҳудудларида жорий этиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

23. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) Бош вазир ўринбосари **Ж.Ходжаев**, сув хўжалиги вазири **Ш.Хамраев** – белгиланган топшириқ ва вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши ҳамда мақсадли кўрсаткичларга эришилишини **ҳар ойда** муҳокама қилиб, тизимли **назорат ўрнатишга**;

- (б) Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўринбосари **М.Абдуллаев** – Сув етказиб бериш хизматларининг фаолияти самарадорлигини, шу жумладан, моддий-техник ресурслардан мустақил фойдаланишини таъминлашга;
- (в) иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосарлари **А.Хайдаров, С.Садуллаев** – молиявий масалалар билан боғлиқ белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилишига;
- (г) сув хўжалиги вазири **Ш.Хамраев**, иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари **И.Умрзаков** – сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик асосида бошқарувга беришда белгиланган кўрсаткичларга эришиш ҳамда бу борада самарадорликни таъминлашга.
- 24.** Сув хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.
- 25.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига **2-иловага** мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.
- 26.** Қарор ижроси бўйича масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари ўринбосари Т.Н.Бутунбаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**Тажриба-синов лойиҳаси доирасида импорт қилишда
2029 йил 1 январга қадар божхона божидан
озод этиладиган асбоб-ускуналар ва жиҳозлар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Товар номи	ТИФ ТН коди
1.	Сувни бошқариш дарвозалари (затвор)	9032899099
2.	Сув сатҳини босим остида ўлчагич	9026100000
3.	Бошқарув қутиси (затворларнинг бутловчи қисми)	8471499100
4.	Ү типдаги фильтр	8421219990
5.	Компенсатор	7326901900
6.	Зулфин (клапан)	8481804090
7.	Электромагнитли ҳисоблагич	9026100000

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 январдаги “Қўйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5-сон қарори 1-бандининг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“сув хўжалиги ташкилотлари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга сув етказиб бериш хизматлари учун тўловларни бекор қилиш (2028 йил 1 январдан бошлаб Дўстлик туманидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар бундан мустасно).

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 9 февралдаги 79-сон қарори билан тасдиқланган “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасалари тўғрисидаги низомда:

(а) 20-банддаги “25” рақами “50” рақами билан алмаштирилсин;

(б) 21-банд қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

“кўп йиллик меҳнати учун 2026 йил 1 январдан бошлаб ҳар ойлик лавозим маошига устамалар (рағбатлантириш коэффициентини инобатга олган ҳолда лавозим маошига нисбатан коэффициентларда):

1 йилдан 5 йилгача – 0,2;

5 йилдан 10 йилгача – 0,3;

10 йилдан 20 йилгача – 0,4;

20 йилдан ортиқ – 0,6”;

(в) 24-банддаги “50” рақами “100” рақами билан алмаштирилсин.





O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2025 yil « 14 » октября

№ ПП–302

О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления водными ресурсами в низовом звене и повышению привлекательности сферы для частного сектора

В целях рационального использования воды и эффективного управления водными ресурсами, обеспечения ведения мониторинга, учета и отчетности воды, а также широкого привлечения частного сектора к данным процессам **постановляю:**

I. Цели

1. Определить **основными целевыми показателями** принятия настоящего постановления:

- (а) повышение финансовой самостоятельности **160** государственных учреждений «Сув етказиб бериш хизмати», внедрение в них гибкой системы управления штатами и укрепление их материально-технической базы;
- (б) передачу в управление в **2026 году** на основе государственно-частного партнерства **50 процентов** насосных станций в **Джизакской, Кашкадарьинской, Навоийской, Наманганской, Самаркандской и Сырдарьинской** областях;
- (в) обеспечение **до конца 2027 года** передачи в управление на основе государственно-частного партнерства **100 процентов** насосных станций в **Наманганской области** с учетом **образцового опыта** данной области по передаче в управление на основе государственно-частного партнерства объектов водного хозяйства;
- (г) создание в рамках проекта «Школа водников» в **141** районе **учебно-полевых станций** на не менее чем **3,5 тысячах** гектаров земельных площадей;

(д) в рамках реализуемого в Дустликском районе **пилотного проекта** по управлению водными ресурсами и прозрачному ведению их учета:

- (i) осуществление **прозрачного наблюдения водопотребления** и использованного объема воды **437** фермерскими хозяйствами, поставку выделенных водных ресурсов в пределах установленных лимитов;
- (ii) установку **1 804** «умных» приборов учета воды, а также экономию до **107 миллионов** кубических метров или **33 процентов** водных ресурсов в год;
- (iii) бетонирование участка оросительных сетей протяженностью **159 км** и приведение в технически исправное состояние участка оросительных сетей протяженностью **541 км**.

II. Совершенствование системы управления водными ресурсами в низовом звене

2. Определить **приоритетными направлениями** дальнейшего совершенствования деятельности государственных учреждений «**Сув етказиб бериш хизмати**» (далее – Службы поставки воды):

- (а) внедрение **гибкой системы управления штатами** с учетом потребностей и финансовых возможностей;
- (б) определение ключевых показателей эффективности деятельности (**KPI**) работников Служб поставки воды исходя из рационального использования водных ресурсов и налаживание на их основе **системы поощрения**;
- (в) **повышение финансовой самостоятельности** и укрепление материально-технической базы Служб поставки воды.

3. В целях повышения эффективности деятельности Служб поставки воды предоставить им следующие **дополнительные полномочия**:

- (а) исходя из финансового положения и сезона самостоятельно **определять количество штатных единиц**;
- (б) **самостоятельно направлять** средства на укрепление материально-технической базы за счет средств в размере **40 процентов** поступлений в Государственный бюджет от налога за пользование водными ресурсами, в том числе на финансирование:

- (i) закупки материалов (цемента, песка и гравия, готового бетона и инертных материалов) для бетонирования оросительных сетей, а также стимулирования работников, привлеченных к работам по бетонированию;
- (ii) закупки специальной техники (бетономешалок, подъемников, грузовых автомобилей, экскаваторов и других);
- (iii) закупки необходимого оборудования и принадлежностей (специальной одежды, скутеров, велосипедов, приборов замера воды, планшетов и других).

4. Министерству водного хозяйства в двухмесячный срок:

- (а) совместно с Министерством экономики и финансов, Министерством занятости и сокращения бедности утвердить и провести в установленном порядке государственную регистрацию **порядка самостоятельного определения количества штатных единиц** Службами поставки воды;
- (б) внести в Кабинет Министров проект постановления о порядке **оценки деятельности руководящих работников** Служб поставки воды на основе ключевых показателей эффективности деятельности (**KPI**).

При этом в целях **повышения заинтересованности** работников низового звена в **рациональном использовании водных ресурсов** предусмотреть **установление с 1 января 2026 года** **месячной надбавки к должностному окладу работников пропорционально** разнице (потере воды) между объемом воды, полученным для района, и объемом воды, поставленным конечным потребителям.

III. Расширение участия частного сектора в управлении водными ресурсами

- 5. Одобрить предложение хокимията Наманганской области и Министерства водного хозяйства по внедрению системы передачи в управление на основе государственно-частного партнерства насосных станций и оросительных сетей, расположенных на закрепленных за ними площадях, по принципу **«один насос – одна система»**, то есть поставки воды водопользователям непосредственно частным партнером (**Чартакский опыт**).
- 6. Установить порядок, в соответствии с которым в рамках **Чартакского опыта**:
 - (а) насосные станции и оросительные сети при наличии нескольких водопотребителей **на закрепленных за ними площадях для полива** в порядке исключения **передаются напрямую в управление на основе государственно-частного партнерства** одному претенденту из числа данных водопотребителей по согласованию с ними;

- (б) насосные станции и оросительные сети при наличии одного водопотребителя **на закрепленных за ними площадях для полива** в порядке исключения **передаются напрямую в управление на основе государственно-частного партнерства** данному водопотребителю;
- (в) **40 процентов** поступлений от водного налога, рассчитанного посредством **приборов измерения воды в режиме реального времени**, установленных на принятых в управление на основе государственно-частного партнерства оросительных сетях, интегрированных с базой данных налоговых органов, выплачиваются Службами поставки воды частному партнеру;
- (г) на **частного партнера**, получившего в управление на основе государственно-частного партнерства объекты водного хозяйства, возлагаются следующие **обязательства по**:
 - (i) **обеспечению водой** водопотребителей и приусадебных участков населения в установленном порядке **в пределах лимита водозабора**;
 - (ii) **управлению** всеми имеющимися **объектами водного хозяйства** по согласованию с государственным партнером;
 - (iii) обеспечению полного ведения учета и отчетности воды, в том числе **посредством автоматизированных систем**;
 - (iv) поэтапной **модернизации** всех объектов водного хозяйства на территории обслуживания.

7. Министерству водного хозяйства совместно с Министерством экономики и финансов, хокимиятами Джизакской, Кашкадарьинской, Навоийской, Наманганской, Самаркандской и Сырдарьинской областей, за исключением насосов, насыщающих водохранилища и крупные каналы, обеспечить передачу в управление на основе государственно-частного партнерства:

- (а) в **2026 году – 50 процентов** насосных станций в **Джизакской, Кашкадарьинской, Навоийской, Наманганской, Самаркандской и Сырдарьинской областях**;
- (б) **до конца 2027 года – 100 процентов** насосных станций в Наманганской области.

8. Министерству водного хозяйства совместно с Министерством экономики и финансов, Национальным исследовательским университетом «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства» и АКБ «Агробанк» начиная с **1 ноября 2025 года** организовывать для представителей сферы водного хозяйства, дехканских и фермерских хозяйств согласно отдельному плану-графику **семинары-тренинги** по разъяснению сути и содержания, преимуществ, а также порядка и условий передачи в управление на основе государственно-частного партнерства насосных станций и оросительных сетей в рамках **Чартакского опыта**.
9. Рекомендовать АКБ «Агробанк» реализацию в **2025–2026 годах** в рамках проекта «Школа водников» типовых проектов по внедрению современных водосберегающих технологий и организации **учебных полевых станов** на хлопковых и зерновых площадях в одном из фермерских хозяйств в каждом районе.
10. Министерству водного хозяйства совместно с Советом Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятами областей и АКБ «Агробанк» в **месячный срок** утвердить план-график по организации семинаров-тренингов на **учебных полевых станах**.
При этом **хокимы районов** несут ответственность за обеспечение участия представителей дехканских и фермерских хозяйств в семинарах-тренингах.
11. Одобрить предложение Министерства водного хозяйства, Министерства сельского хозяйства, АКБ «Агробанк», Совета фермеров Узбекистана и хокимията Джизакской области о реализации с **1 января 2026 года** в Дустликском районе **Пилотного проекта по автоматизации управления и ведению учета водных ресурсов** (далее – Пилотный проект) на основе передового зарубежного опыта в целях рационального использования водных ресурсов.
12. Принять к сведению, что:
 - (а) разработаны **технико-экономические обоснования** Пилотного проекта и проведена их государственная экспертиза;
 - (б) **Пилотный проект** реализуется на основе государственно-частного партнерства с созданием **кооператива производителей сельскохозяйственной продукции** (далее – Кооператив), при этом в целях финансирования расходов Кооператива, связанных с реализацией Пилотного проекта, АКБ «Агробанк» выделяет льготный кредит.

13. Министерству юстиции, Министерству водного хозяйства, Министерству сельского хозяйства, Совету фермеров Узбекистана и хокимияту Джизакской области **оказать содействие в организации Кооператива** в Дустликском районе.
14. Определить, что после создания Кооператива с нового отчетного года **задачи и функции государственного учреждения «Дустлик тумани сув етказиб бериш хизмати»** будут переведены Кооперативу.
15. Министерству водного хозяйства **в двухмесячный срок** на основе проведения с Кооперативом прямых переговоров по реализации Пилотного проекта обеспечить **заключение соглашения о государственно-частном партнерстве**, предусматривающего:
- (а) оснащение водораспределительных и водозаборных зон в ирригационной системе и межфермерских оросительных сетях автоматизированным современным оборудованием управления и ведения учета воды, **функционирующим на основе альтернативных источников энергии;**
 - (б) внесение Кооперативом инвестиций в размере не менее **21 миллиона долларов США;**
 - (в) поставку **каждому потребителю** выделенных водных ресурсов в пределах установленных лимитов водозабора, а также содержание ирригационной системы и межфермерских оросительных сетей **в технически исправном состоянии;**
 - (г) представление органам водного хозяйства и налоговым органам соответствующих сведений об объеме воды, использованном каждым потребителем;
 - (д) создание информационной системы **«Ситуационный центр»**, предоставляющей возможность **прозрачного наблюдения** за водопотреблением в режиме реального времени, а также интеграцию ее с базой данных Министерства водного хозяйства;
 - (ж) определение **размера платежей** за услуги поставки воды водопотребителям в соответствии с **решением общего собрания членов Кооператива** и оказание других водохозяйственных услуг.

- (б) часть налога за пользование водными ресурсами, определенная к поступлению в государственное учреждение «Дустлик тумани сув етказиб бериш хизмати» в 2026–2027 годах;
- (в) **40 процентов** части штрафов, взыскиваемых за нарушение условий договоров на поставку воды, заключенных между Кооперативом и водопотребителями, направляемой в Фонд развития водного хозяйства при Министерстве водного хозяйства;
- (г) гранты международных финансовых институтов, благотворительные пожертвования физических и юридических лиц, а также средства, поступающие из иных источников, не запрещенных актами законодательства.

17. Министерству водного хозяйства совместно с Министерством экономики и финансов **в трехмесячный срок** утвердить и провести в установленном порядке государственную регистрацию регламента предоставления объектов водного хозяйства в управление на основе государственно-частного партнерства, а также образцы соответствующих документов (концепция, документ проектной оценки, финансовая модель, соглашение).

IV. Финансовые ресурсы и льготы

18. Совету Министров Республики Каракалпакстан и хокимиятам областей:

- (а) обеспечить ежегодное **проведение** в разрезе регионов **индексации** размера средств, выделяемых Службам поставки воды из местного бюджета, пропорционально минимальному размеру оплаты труда;
- (б) **в месячный срок** провести в установленном порядке перерасчет средств, выделенных Службам поставки воды из местного бюджета на 2025 год, с учетом их индексации, и обеспечить выделение оставшейся невыделенной части средств.

19. ДСП.

20. ДСП.

21. ДСП.

V. Организация, обеспечение и контроль исполнения постановления

22. Министерству водного хозяйства совместно с Министерством экономики и финансов **до конца 2026 года** внести в Кабинет Министров предложение о целесообразности внедрения Пилотного проекта в других регионах республики.

23. В целях эффективной организации исполнения настоящего постановления возложить персональную ответственность на:
- (а) заместителя Премьер-министра **Ходжаева Ж.**, министра водного хозяйства **Хамраева Ш.** – за **ежемесячное** обсуждение и **установление системного контроля** за своевременным выполнением определенных поручений и задач, а также достижением целевых показателей;
 - (б) первого заместителя председателя Счетной палаты **Абдуллаева М.** – за обеспечение эффективности деятельности Служб поставки воды, в том числе самостоятельное использование материально-технических ресурсов;
 - (в) заместителей министра экономики и финансов **Хайдарова А.**, **Садуллаева С.** – за своевременную реализацию определенных мер, связанных с финансовыми вопросами;
 - (г) министра водного хозяйства **Хамраева Ш.**, заместителя министра экономики и финансов **Умрзакова И.** – за достижение показателей, установленных при передаче в управление на основе государственно-частного партнерства объектов водного хозяйства, а также обеспечение эффективности в данном направлении.
24. Министерству водного хозяйства совместно с Министерством юстиции **в двухмесячный срок** внести в Кабинет Министров предложения об изменениях и дополнениях в акты законодательства, вытекающих из настоящего постановления.
25. Внести изменения и дополнение в некоторые постановления Президента Республики Узбекистан и Правительства Республики Узбекистан согласно **приложению № 2**.
26. Осуществление координации и контроля за деятельностью организаций, ответственных за исполнение настоящего постановления, возложить на Премьер-министра Республики Узбекистан Арипова А.Н. и заместителя руководителя Администрации Президента Республики Узбекистан Бутунбаева Т.Н.

**Президент
Республики Узбекистан**

город Ташкент



Ш.Мирзиёев

Приложение № 1 приводится на узбекском языке.

**Изменения и дополнение, вносимые в некоторые постановления
Президента Республики Узбекистан и Правительства Республики Узбекистан**

1. Абзац второй пункта 1 постановления Президента Республики Узбекистан от 5 января 2024 года № ПП–5 «О мерах по совершенствованию системы управления водными ресурсами и повышению эффективности их использования в низовом звене» изложить в следующей редакции:

«об отмене платежей за услуги по поставке воды производителям сельскохозяйственной продукции водохозяйственными организациями (за исключением производителей сельскохозяйственной продукции в Дустликском районе начиная с 1 января 2028 года)».

2. В тексте на государственном языке Положения о государственных учреждениях «Сув етказиб бериш хизмати», утвержденного постановлением Кабинета Министров от 9 февраля 2024 года № 79:

(а) в пункте 20 цифру «25» заменить цифрой «50»;

(б) пункт 21 дополнить абзацами следующего содержания:

«кўп йиллик меҳнати учун 2026 йил 1 январдан бошлаб ҳар ойлик лавозим маошига устамалар (рағбатлантириш коэффициентини инобатга олган ҳолда лавозим маошига нисбатан коэффициентларда):

1 йилдан 5 йилгача – 0,2;

5 йилдан 10 йилгача – 0,3;

10 йилдан 20 йилгача – 0,4;

20 йилдан ортиқ – 0,6»;

(в) в пункте 24 цифру «50» заменить цифрой «100».

